

ИЖТИМОИЙ ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Тожиева И., Қашқадарё ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Ҳамраева Н. - Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси

Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода этган бўламиз”¹ деб таъкидлайдилар.

Демак, бундан келиб чиқадики, ушбу кенг қамровли, ҳар бир юртдошимиз онгига сингишга даъват этилган, кишиларни олийжаноб, эзгу мақсадларга эришиш йўлида сафарбарликка қорлашнинг қудратли кучига эга тушунчаларни англаб етишнинг илмий-назарий заминларини вужудга келтириш илмий тадқиқотчиларнинг ва уни кишилар қалби ва онгига етказиб бериш ҳар бир педагог ёки маънавият тарғиботчиларининг диққат марказида бўлиши зарур.

Мана шундай кўплаб имкониятлар ва шароитлар яратилаётган ҳозирги даврда биз ўқитувчилар дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашимиз зарурдир.

Педагогика – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги фан.

Андрогика – педагогика фанининг алоҳида йўналиши бўлиб, катта ёшдагиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий, амалий муаммоларини ўрганади.

Катталар таълимининг туб мақсади иқтисодий, ижтимоий ва шахсий ҳаётда фаол, самарали, маъсулиятли иштирок этувчи шахсни шакллантиришдан иборат.

Катталар таълими – назарий ва амалиётга асосланган, тан олинган барча ёндашувлар ҳамда жамиятда мавжуд бўлган расмий ва узлуксиз, норасмий ва кўшимча таълим турларини қамраб олади.

Катта ёшдагиларни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари:

- педагогик вазифаларни муваффақиятли ечимини топишга керакли бўлган билимларни бериш;
- ўз фаолиятини самарали бошқаришга керакли бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш;
- тингловчиларга бор тажрибаларини тизимга солиш ва таҳлил қила олишларига ёрдам бериш;

¹ Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.Т.:”Маънавият”, 2008,71-бет

- тингловчиларга ўз фаолиятларини яна бир қайта тушуниб етишларига имконият яратиш;

- тингловчиларда белгиланган мақсадни самарали натижага олиб келиш малакасини ривожлантириш.¹

Мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш қуйидаги режа асосида олиб борилади:

Ўқитувчи касбий маҳоратини шакллантириши, янги педагогик муаммолар ҳақида билим бериш, ўзаро тажриба алмашиш, ўз устида мустақил ишлаш.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги туфайли халқ таълими ҳам янги-янги босқичларига кўтарилди ва кўтарилмоқда.²

Малака ошириш тизими бугунги кунда таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳатларга тайёрлайди, янгиликлар билан таништиради, замонавий талаблар асосида иш ташкил этилиш услубларини ўргатади.

Ижтимоий – гуманитар, сиёсий фанлар ва уларнинг вакиллари зиммасига тарихий, миллий вазифа турибди. Бу – Ўзбекистон келажagini мустаҳкам, ишончли мафкуравий ҳимоясини таъминламоқдир.³

Миллий истиқлол ғояси курсини ўқитишда педагог ходимларнинг фаолиятини интерфаол усуллар асосида ташкил этишда муайян имкониятларга эга. Бундай усулларга «ақлий ҳужум», «ажурли арра», «танқидий фикрлаш», «мунозара» кабиларни киритиш мумкин. Улар ёрдамида мустақил фикрлашга, тадрижийликка, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ва ўзгалар фикрини ҳурматлашга ўргатиш мумкин. Атрофимизда рўй бераётган воқеаларнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги масалалари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Ҳар бир тингловчи, талаба, фуқарода миллат, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ўзига яраша билимлар бор. Ҳамма миллий мафкурани бир хил тушунада деб ўйласак, хато қиламиз. Шу сабабли ҳар бир аудиторияда маъруза бошида тингловчилар билан енгил савол-жавоблар ўтказиб (уларнинг билим даражаси паст бўлса, бундан ранжимай), аудиториянинг ўртача савиясини аниқлаш лозим. Кейин аста-секин уларни ўзингиз кўтармоқчи бўлган даражасига олиб чиқиш тез кечади.

Чунки, “ Андрагогика – катталарни ёшини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнида унга функцияни бажаради:

1. Адаптация – тингловчиларни таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгиликлар, педагогик ёндошувларга мослаштириш, кўниктириш.
2. Компенсация – педагогик технологиялар, интерактив таълим ва интерактив методлар бўйича билим, кўникма, малакаларини янги фикр, амалий машқлар, тренинглар орқали тўлдириш, бойитиш.

¹ Ишмухамедов Р, Юлдошев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т.: Нихол. 2013. Б.216.

² Ҳасанбоева О, Ҳасанбоев Ж, Ҳамидов Ҳ. Педагогика тарихи. Тошкент. “Ўқитувчи” 1997. Б.236.

³ Қуროнов М. Биз англаётган ҳақиқат. Т.: Маънавият. 2008. Б. 45.

3. Ривожлантирувчи – ўқув жараёни ташкил этиш методикаси ва техникаси, педагогик фаолият ва маҳорати бўйича тажрибаларини ривожлантириш.

Катта ёшдаги тингловчилар билан ишлайдиган тренер-ўқитувчилар ўқув материали мазмуни, гуруҳ лидерлари, ташкилотчилари ва гуруҳдаги амалиётчиларнинг тажрибаларига, билим, кўникма, малакаларига таяниб иш тутишлари ўқув машғулотининг самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Катта ёшдагилар билан ишлаш қандай бўлиши керак? Мақсадли, асосли, ёрқин, динамик, завқли, қизиқарли, бирлаштирувчи, фойдали, фаол, ижодий, қувноқ, заковатли бўлиши керак.¹

Бугунги кунда ўқитувчининг замонавий қиёфасида ижтимоий гуманитар фанларининг ўрни ва аҳамияти долзарб масалага айланган. Малака ошириш тизимида ижтимоий гуманитар фанлари “Миллий ғоя ва маънавият асослари”, “Хуқуқ масалалари”, “Долзарб мавзулар”, “Иқтисодий масалалари” каби фанлар кесимида раҳбар ва педагог ходимларнинг билим ва малакалари оширилмоқда.

Бундан ташқари, институтимизда барча кафедраларда тингловчининг фаолликларини ўстириш борасида оммавий тадбирлар, конференциялар, бадий кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, “Ижтимоий – иқтисодий фанлар ” кафедрасида ҳам турли маънавий маърифий тадбирлар олиб борилади.

Маълумки, бугунги юксак техник тараққиёт даври ва глобаллашув жараёни педагог кадрлар олдига ҳам янги-янги талаблар қўймоқда. Шу мақсадда институтимизда раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти мониторинг бўлими томонидан билдирилган таклиф ва камчиликларни бартараф қилиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича, таълим жараёнида илғор педагогик услублардан ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг ишонч ва эътиқоди, олий неъматимиз бўлган мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш омили миллий истиқлол ғоясининг асосий аҳамиятини оширмоқда. У миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, халқларни бирлаштириб турувчи, қолаверса, миллий ғурур, ор-номус, қадр-қиммат туйғуларини англаш, қадрлаш, тараққиёт сари жадал интилаётган мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат этадиган омил эканини таъкидлаш лозим.

¹ Ишмухамедов Р, Юлдошев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т.: Нихол. 2013. Б.216-217.